

**Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Бухоро давлат университети
Психология кафедраси**

**Республика Миллий ғоя ва мафкура
илмий-амалий маркази**

**“ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА
ЁШЛАРНИ ЁТ ҒОЯ ВА
МАФКУРАЛАРДАН МУҲОФАЗА
ҚИЛИШНИНГ ИЖТИМОЙ
ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ”**

**мавзусидаги илмий-амалий анжуман
МАТЕРИАЛЛАРИ**

Бухоро, 2015 йил

Й.З. Абдуллаев, И. Искандаров
Бухоро давлат университети

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИГА ПСИХОЛОГИК ТАЪСИРИ

Глобаллашув ғояси ҳозирги пайтда ниҳоятда долзарб ва бир хил талқин этилмайди. Унинг ўз тарафдорлари ва душманлари бор. Бу жараёнга очик тарзда ва хуфиёна қаршилиқ қилинишига қарамасдан бу жараён авж олиб бормоқда ва шу сабабдан унга алоҳида тўхталиш лозим.

Глобаллашувнинг бир нечта жиҳатлари мавжуд. Уларнинг асосийлари қуйидагилардир:

- **иқтисодий** – мамлакатлар ҳокимиятлари томонидан капитал ва товарлар бозорининг ва эркинлашуви (бошқарувдан чиқиб қолиш, бошқарилмайдиган даражага келиб қолиши) халқаро капиталнинг трансмиллий корпорациялар ва молиявий гуруҳларда марказлашуви ва тўпланиши;

- **сиёсий-ҳуқуқий** – давлат чегараларининг ювилиб кетилиши, сиёсий блокларнинг қарама-қаршилигини сусайиши, халқаро алоқаларнинг деидеологизациялашуви, мамлакатларнинг ички ва ташқи иқтисодий жараёнларга таъсирини камайтирувчи ва ролини пасайтирувчи халқаро ҳуқуқий акт ва келишувларни қабул қилиш;

- **илмий-техник** – техноглобаллашув феномени, алоҳида мамлакатларда юзага келган янгилик ва янги технологияларни техник билимларнинг ягона комплексига қўшиб кетилиши. Интернет ва телекоммуникациялар соҳасидаги революция натижаси сифатида алоқа, транспорт, ишлаб чиқаришда технологик макротизимларни юзага келиши;

- **ижтимоий-маданий** – миллий анъаналар, урф-одатлар ролининг сусайиши, ижтимоий-маданий стереотип (қолип, андоза)ларнинг, ҳаётий қадриятларнинг, аҳолининг сиёсий ва ижтимоий тасаввурларининг яқинлашувида намоён бўладиган маънавий-ахлоқий конвергенция, индивиднинг роли ошиб бориши ва жамиятнинг роли заифлашуви;

- **этнодемографик**– дунё аҳолисининг сони кескин ошиши ва этник диффузия (бир бирига сингиб, аралашиб кетиши), миграцион жараёнларнинг кучайиши, саноати ривожланган мамлакатларда аҳолининг қариб бориши ва метисацияси (турли ирқ вакилларининг оила қуриши натижасида туғиладиган насл, авлод)

- **экологик** – дунё аҳолисининг ҳаётини таъминлаш учун принципаал аҳамиятга эга бўлган экологик муаммоларнинг глобал миқёсда кескинлашуви, кучайиши.

XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида жаҳон индустриал жамиятдан ахборот жамиятига ўтиш даврини ўз бошидан кечирди. Ишлаб чиқариш усуллари, одамларнинг дунёқараши, давлатлараро муносабатлар тубдан ўзгарди. Бу ўзгаришларни аҳамияти ва жамиятга таъсирига кўра инқилоб билан қиёслаб, ахборотлашган жамият барпо этилишига олиб борадиган “ахборот инқилоби” деб аташ мумкин.

Агар давлатларнинг қудрати биринчи саноат инқилобига қадар аҳолининг сони ва ҳудудларнинг катта кичиклигига қараб, биринчи ва иккинчи саноат инқилоблари ўртасида давлат тасарруфидаги энергия турлари ва уларнинг миқдорига қараб белгиланган бўлса, ҳозирги вақтга келиб давлатнинг қудрати, энг аввало, ахборот технологиялари ва ахборот ресурсларига эга эканлиги ва қай даражада фойдаланилишига қараб белгиланади.

Айни вақтда таъкидлаш жоизки, ахборот-телекоммуникация технологияларига соҳадаги жадал ўзгаришлар туфайли нафақат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ривожланишнинг асоси, балки ички ва ташқи муаммоларни ҳал этишнинг воситаси сифатида ҳам қаралади.

Масалан, АҚШ ҳукумати 1993 йилда эълон қилган миллий ахборот инфратузилмасини ривожлантириш режаси ҳақидаги маърузасида ушбу режани амалга ошириш Америка фирмаларига рақобат қилиш ва ғолиб бўлиш имконини бериши таъкидланган.

Американинг ушбу чақириғига Европа ҳаракат дастури (кўпинча "Бангеман ташаббуси" деб номланади) жавоб бўлди. Унда биринчилардан бўлиб ахборот жамиятига кирган мамлакатлар катта афзалликларга эга бўлиши ва ўз кетидан эргашувчи мамлакатларга шартлар қўйиши мумкинлиги қайд этилган.

Жамиятни ахборотлаштириш жараёнининг ўзи, кўпинча соф технологик жараён сифатида баҳоланишига қарамай, мазмун-моҳиятига кўра у чуқур ижтимоий жараён ҳам ҳисобланади. Чунки ахборотлаштириш жамиятнинг бир шаклдан бошқа, ижтимоий тараққиётнинг янада юқорироқ даражасига эга бўлган шаклига ўтишни англатади ҳамда жамиятнинг истиқболдаги хусусиятларини белгилаб беради.

Ҳар қандай жараённинг яхши ва ёмон томонлари бўлганидек, жамиятни ахборотлаштиришнинг ҳам ижобий ҳамда салбий жиҳатлари мавжуд.

Хусусан, ахборотлаштириш ва истиқболли ахборот технологиялари ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳамда меҳнат тежамкорлигини оширишни, илмий билимлар ва илғор технологиялар жамиятда жадал тарқалишини, жамият интеллектуаллашуви умумий даражасини оширишни таъминлаши каби ижобий томонлар билан бир қаторда ахборот макони учун кураш ва инсонга ахборот-психологик таъсир кўрсатишнинг авж олиши каби алоҳида хавфни ҳам юзага келтиради.

Инсонга таъсир ўтказиб, унинг ҳуқ-атворини ўзгартириш мисоллари қадимги замонлардан маълум. Миср, Хитой, Қадимги Греция ва Римда шаклланган инсоннинг фикри, рухий ҳолати ва хатти-ҳаракатларини бошқариш санъати ҳақидаги мисоллар тарихий манбалар ёрдамида бизларгача етиб келган. Ҳозирги кунда ахборот майдони глобаллашувининг авж олиши, замонавий ташвиқот усуллари ва техник воситаларининг такомиллашуви нафақат алоҳида олинган шахснинг онгига, балки бутун бир халқларнинг турмуш тарзига таъсир ўтказиш, давлатларнинг сиёсатини ташқаридан туриб бошқариш учун шароит яратмоқда. Асрлар оша омма томонидан ахборот олиш имкониятларининг кенгайиб бораётганлиги натижасида у қудратли сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий қуролга айланиб, турли сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини кузатиш мумкин.

Тараққиёт билан бирга инсоният устидан зўравонлик шакллари ҳам ўзгариб, ривожланиб, эндиликда одамлар онгига, руҳияти ва ички дунёсига таъсир кўрсатиш ва уни бошқариш эгаллади.

Жаҳон телекоммуникация тармоқлари ва оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилаётган ахборот-маданий ва ахборот-мафкуравий экспансия жаҳоннинг турли мамлакатларида ташвиш уйғотмоқда. Истиқболда қарам бўлиб қолиш ва мустақилликни қўлдан чиқариш эҳтимоли давлатлар раҳбарларини, жамоат институтлари ва фуқароларни хавотирга солмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ жуда кўп мамлакатлар ўз маданияти, анъаналари ва маънавий қадриятларини ёт ахборот таъсиридан ҳимоя қилиш учун махсус чоралар кўришга мажбур бўлмоқдалар.

Психологларнинг фикрига кўра, аҳолининг фақат 15-25 фоизи ахборотни танқидий нуқтаи назардан ўзлаштиришга қодир, қолган 75 фоиз одамлар эса, олинган ахборотнинг таъсирига шундайлигича берилиб кетади. Бунинг оқибатида оммавий ахборотнинг ҳозирги замон воситалари ва усуллари жамият бошқарувчанлигини таъминлайди.

Жамият ривожланишнинг ахборот босқичига кириши инсон катта ҳажмдаги ахборотни қабул қилиш ва уни қайта ишлаш ҳамда фойдаланишнинг ҳозирги замон воситалари ва усуллари эгаллашга тайёр эмаслигини кўрсатиб қўйди. Инсон ўзи яшаб турган дунёга ўзи олиб кирган ўзгаришлар билан баробар қадам ташлашга қодир эмаслиги маълум бўлди.

Айни чоғда, жаҳондаги глобаллашув жараёнлари авж олган шароитда баъзи мафкуравий марказлар томонидан давлатлар ўртасидаги барча чегаралар йўқ бўлиши ҳақидаги ҳамда ягона жаҳон маданиятини қарор топтириш каби халқларнинг маданий-маънавий ўзагини заифлаштириш мақсадларига хизмат қиладиган ғоявий ҳуружлар олиб борилмоқда.

Бу борада “эркин ахборот алмашуви” назариясининг асосчиларидан бири ҳисобланган МРБ собиқ директори А.Ф.Даллеснинг 1946 йилда қилган баёнотини эслатмоқчи эдим. “Агар менга, – деб ёзади А.Ф.Даллес, – ташқи сиёсатнинг фақатгина битта тамойилини танлаб олиш ҳуқуқи берилганда, мен ахборотнинг эркин оқими принципини танлаган бўлур эдим”. Ғарбда “ахборотнинг эркин оқими” дейилганида чексиз миқдордаги ахборотни бир тарафлама узатиш, бунда ахборот мазмунининг ҳеч қандай меъёрлар билан чекланмаслиги ва мазкур ахборот у етказиб берилаётган ҳудуддаги давлат томонидан назорат қилинмаслиги тушунилади.

Равшанки, ушбу концепция Ғарбнинг “демократик” эркинликларини тарғиб этиб, бошқа ғоялар тарқатилишини имкон қадар чеклашни назарда тутди. Ҳозирги кунда ҳам концепциянинг мазмун-моҳияти ўзгаришсиз қолганлигини ва у ёшларимизни чалғитиш, уларнинг қалбига, дунёқарашига таъсир ўтказиш ниятида “мутлақ эркинлик”, “чегарасиз эркинлик”, “эркин ахлоқ” деган сохта ғоялардан кенг фойдаланилаётганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Бу йўлда “оммавий маданият” намуналаридан, турли ахборот технологияларидан, радио-телевидение, интернетнинг ижтимоий тармоқлари каби воситалардан маккорлик билан фойдаланилмоқда.

Шу сабабли шиддат билан кечаётган ҳодиса–воқеалар оқимида катта ҳажмдаги ахборотнинг мазмунини англаш, уни тўғри талқин этиб хулосалар чиқариш ниҳоятда муҳимдир. Бу эса инсондан ахборотни танлаш, саралаш, уни тўғри идрок этиш маданиятини шакллантириш каби инсоннинг бевосита дунёқараши, салоҳияти, тажрибаси билан боғлиқ хусусиятларни камол топтириш масалаларининг долзарблигини оширади.

Ҳозирги кунда республика аҳолисининг сони 30 млн.дан ошганлигини, аҳолининг қарийб 35 фоизини 16 ёшгача бўлган болалар, 62 фоиздан зиёдини эса 30 гача бўлган ёшлар ташкил этишини эътиборга олсак мамлакатимиз учун бу масала қанчалик муҳимлигини тушуниш мумкин.

Шу сабабли шиддат билан кечаётган ҳодиса–воқеалар оқимида катта ҳажмдаги ахборотнинг мазмунини англаш, уни тўғри талқин этиб хулосалар чиқариш ниҳоятда муҳимдир. Айни чоғда, ёшларнинг ахборотга бўлган ошиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун:

миллий ахборот маконини изчил ривожлантириш ва уни ахборот ресурслари билан бойитиш;

ахборотни излаш, уни қайта ишлаш, уни сақлаш ва ундан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш;

давлат органлари фаолияти юзасидан холис, тезкор ва тўла-тўқис ахборот олиш имкониятини янада кенгайтириш;

ахборот хизматидан фойдаланувчилар, аввало ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини мавжуд манбалардан материалларни танлаб олишда уларга методологик ёрдам кўрсатиш йўли билан қаноатлантириш, бунда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг ва самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиш алоҳида аҳамиятга эга.

Бу эса ахборотни танлаш, саралаш, уни тўғри идрок этиш маданиятини шакллантириш каби инсоннинг бевосита дунёқараши, салоҳияти, тажрибаси билан боғлиқ хусусиятларни камол топтириш масалаларининг долзарблигини ошириб, ёшлар олдида янада чуқур билим эгаллашни, катта қўламдаги ахборотни тўла ўзлаштиришни ва ундан самарали фойдаланишни ҳозирги куннинг муҳим масалаларидан бири қилиб қўяди.

M. Hamroyev, S. Gubirov
Buxoro davlat universiteti

YOSHLARDA MAFKURAVIY IMMUNITETNI SHAKLLANTIRISH

Hozirgi davr – bunyodkor va vayronkor g'oyalarning o'zaro kurashi kuchaygan davr. Nima uchun kishilarning ongi va qalbi uchun kurash turli mafkuralarning bosh maqsadiga aylanib qoldi? Chunki muayyan g'oya tom ma'noda g'oya bo'lishi uchun inson qalbidan mustahkam joy olishi va kishilar ongini egallashi zarur. Insoniyat tarixidan ma'lumki, qaysi bir davlatni ikkinchi bir davlat o'ziga mustamlaka, tobe' bo'lishi uchun unga nisbatan kuchli qo'shin yordamida qurolli hujum uyushtirgan. Hozirgi davrga kelib esa harbiy texnika yuksak darajada rivojlangan va ayrim davlatlarning o'z yadro quroliga ega ekanligi, davlatlarni bir – biriga harbiy salohiyat jihatidan tenglashtirdi.

Bugungi kunda dunyoning ayrim siyosiy kuchlari o'z ta'sir doiralarini kengaytirish maqsadini har qanday yo'l bilan amalga oshirish maqsadida mafkuraviy poligon hosil qilishdi. Ya'ni, muayyan mafkuraviy ta'sir natijasida insonlar ongi va shuurini zabt etib, ularning qarashlarini o'zlarining yo'nalishiga yo'naltirib, natijada biror yerlik aholi ko'magida har qanday boylik, tabiiy resurslarga egalik qilishni o'z oldilariga maqsad qilib qo'yishgan.

Shunday ekan, mafkuraviy ta'sir va tahdidlar haqida gap ketar ekan, ularni aniqlash, baholash, xususiyatlarini ko'rsatish uchun O'zbekiston Prezidenti Islom Karimov tomonidan ilmiy muomalaga kiritilgan "mafkuraviy immunitet, "mafkuraviy profilaktika " tushunchalari mazmunini chuqur o'rganishimiz talab etiladi. Chunki aynan ushbu tushunchalar yoshlarning dunyoqarashi va ongida sog'lom fikrlar paydo bo'lishi va rivojlanishini ta'minlovchi asos hisoblanadi. Yoshlarimizni turli mafkuraviy xurujlardan himoyalash barchamizning burchimizdir. Dunyo miqyosida va mamlakatimiz ichida o'zlarining g'ayriinsoniy g'oyalarni tarqatishga urinayotgan, yoshlarimizning pok va beg'ubor qalbiga ta'sir etishga intilayotgan turli siyosiy kuchlarning o'y-fikrlari, g'oyaviy maqsad – muddaolari barchamizga ayon. Shuning uchun ham biz yoshlarimizdagi o'zlikni anglash, milliy g'urur va iftixor, ajdodlar tarixiga hurmat va qadriyatlarini e'zozlash ko'nikmalrini kuchaytirib borishimiz muhim ahamiyatga ega. Zero, yurtimizda amalga oshirilayotgan islohotlar inson va uning farovon hayoti uchun, yoshlar va ularning yorqin kelajagi uchun amalga oshirilmoqda. Buni yorqin misolini yildan – yilga yoshlarmiz uchun bunyod etilayotgan ta'lim muassasalari, sport inshootlari va ko'plab yaratib berilayotgan keng imkoniyatlardan ko'rishimiz mumkin. Prezidentimizning "O'zbekiston Respublikasida yoshlarga oid davlat siyosatini amalga oshirishga qaratilgan

МИССИОНЕРЛИК ТАҲДИДЛАРИДАН АСРАШНИНГ МАСАЛАЛАРИ	
Г.Саломова. ГЛОБАЛИЗАЦИЯ ВА МАДАНИЯТЛАРАРО КОМПЕТЕНТЛИК	308
Ж.Остонов, З.Қурбонова. ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ	312
Sh. Rustamov. GLOBALLASHUV SHAROITIDA AXBOROT PSIXOLOGIK XAVFSIZLIKNI TA'MINLASH MEKANIZMLARINI OCHIB BERISH	314
М.Ярматова. ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА АХБОРОТ ПСИХОЛОГИЯСИ	317
N.Z. Ruziyeva. GLOBALLASHUV SHAROITIDA AXBOROT PSIXOLOGIK XAVFSIZLIKNI TA'MINLASH MEKANIZMLARINI OCHIB BERISH	319
<u>Й.З. Абдуллаев, И. Искандаров. ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИГА ПСИХОЛОГИК ТАЪСИРИ</u>	322
M.Hamroyev, S. Gubirov. YOSHLARDA MAFKURAVIY IMMUNITETNI SHAKLLANTIRISH	325
Ш.Й. Абдуллаев. ЁШЛАРДА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МАЪНАВИЙ-РУҲИЙ АСОСЛАРИ	326
M. Barotova. BARKAMOL AVLOD – MILLAT KO'ZGISI	329
М. Очилова, Г.Б. Эргашева. ЁШЛАРНИ ОИЛАДА МАЪНАВИЙ ЕТУКЛИГИНИНГ ЭНГ МУҲИМ МЕЗОНЛАРИДАН БИРИ ВАТАНПАРВАРЛИҚДИР	332
Г.Б. Эргашева, Б.Б.Ярашов. ОИЛА - ТАРБИЯ МАСКАНИ	333
Г.Ж.Тошова, М.О.Очилова. ОИЛАДА ЭЪТИҚОД ТАРБИЯСИ, УНИНГ ПСИХОЛОГИК МОҲИЯТИ ВА СОҒЛОМ РУҲИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ ИЖТИМОЙ ОМИЛЛАР	335
Х.Х.Жабборов. ЁШЛАРДА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ	336
С.М.Гафарова, Н.А.Шамсиев. КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ – ҲАР БИР ИНСОННИНГ БУРЧИДИР	341
У.М.Рўзиев, Ж.Б.Янгиев. СОҒЛОМ АВЛОД ТАРБИЯСИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МУҲИМ ЙўНАЛИШИ СИФАТИДА	342
Х. Х. Jabborov, N.Z. Jumayev. YOSHLAR ONGIDA MAFKURAVIY IMMUNITETNI HOSIL QILISH ASOSLARI	344
N.G. Haydarova. MAMLAKATIMIZDA MA'NAVIY VA AXLOQIY TARBIYANING DOLZARB MASALALARI	347
X.X.Jabborov, S. Shukurova. MAFKURAVIY IMMUNITETNI SHAKLLANTIRISHDA MILLIY ONG VA O'ZLIKNI ANGLASH	349
А.М. Қурбонов. ЁШЛАРНИ ЁТ ҒОЯЛАРДАН ҲИМОЯЛАШ МУАММОЛАРИ	351
И. Қўшаев. ЧОЛҒУ ИЖРО ЖАРАЁНИНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ	353
N.G. Haydarova. YOSHLAR TARBIYASIDA YOT G'OYALARNINGNING SALBIY TA'SIRI VA UNGA QARSHI KURASH	355
Р.Х.Қодиров, П. Ширинова. АМАЛИЙ ДАРС ТАҲЛИЛИ ЖАРАЁНИДА ПЕДАГОГИК ОБЪЕКТ ВА ҲОДИСАЛАРНИ БАҲОЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ	358
Г.Н.Нажмиддинова. ГЛОБАЛЛАШУВ ВА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ	361
У.М.Рузиев, М.А. Рузиева. ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ТЕХНИКИ ЧТЕНИЯ В МЛАДШЕМ ШКОЛЬНОМ ВОЗРАСТЕ	363
Д.Р. Бободжанова. РОЛЬ ТЕМПЕРАМЕНТА В ПРОЦЕССЕ УСВОЕНИЯ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА	370
З.М. Гасанова. ПРОФИЛАКТИКА И СОВРЕМЕННАЯ ПСИХОКОРРЕКЦИЯ ДЕВИАНТНОГО ПОВЕДЕНИЯ ПОДРОСТКОВ	372
У.М.Рузиев, М.А. Рузиева. ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ МЛАДШИХ ШКОЛЬНИКОВ И ИХ ВОЗМОЖНОСТИ ДЛЯ ФОРМИРОВАНИЯ КОЛЛЕКТИВА	375
М.Н. Усманова. ИЗУЧЕНИЕ ЗАВИСИМОСТИ СОВРЕМЕННОЙ МОЛОДЕЖИ К ИНТЕРНЕТУ	379
6-шўба: ДЕВИАНТ ХУЛҚ-АТВОР ПСИХОЛОГИЯСИ ВА ПСИХОКОРРЕКЦИЯСИ (СУИЦИД, АГРЕССИЯ, ЖИНОЯТЧИЛИК...)	
ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ	
А.Саидов, У.Жумаев. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР УРТАСИДА ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ САБАБЛАРИ, МАВЖУД МУАММОЛАРИ	383